



## ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ ВА БАҲОЛАНИШИ



**Турманқулов Норпўлат Саъдуллаевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчи

**Ботиров Лазизбек Ботирович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
аудит кафедрасида PhD катта ўқитувчи

**Аннотация.** Ушбу мақолада, товар-моддий захираларнинг иқтисодий моҳияти, таснифи ва баҳоланиши, ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** диверсификация, модернизация, товар-моддий захира, моддий активлар, капитал, захира.

### Кириш

Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилишда асосий эътибор маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали юқори қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Бу каби тадбирлар «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам белгилаб берилган: юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларни, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш .

Республикамиз иқтисодиётида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ва маҳаллий хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишда товар-моддий захиралардан оқилона фойдаланиш, уларни ҳисобга олишнинг самарали тизимини яратиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг доимий ўзгариб туриши рўй бериши сабабли товар-моддий захираларни бериш ва уларнинг қолдиқларини баҳолаш хўжалик юритувчи субъектда доим ҳам улар ҳисобга олинган нархлар бўйича амалга оширилмайди.

Юқорида таъкидланганларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришга берилганда уларнинг пул қиймати қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга бориб тақалади:

товар-моддий захиралар қолдиқлари ва уларнинг умумий қийматини аниқлаш;

товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш воситасида сотиш таннархини аниқлаш;

товар-моддий захираларни омбордан ҳисобдан чиқариш кетма-кетлигини аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун товар-моддий захираларни баҳолашнинг турли усуллари қўлланилади. “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БҲМСга биноан, товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришга беришда (сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинган товарлар бундан мустасно) ва бошқача тарзда чиқиб кетишида, уларни баҳолаш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

“ҳар битта бирликнинг таннархи бўйича;

ўртача таннарх бўйича;

моддий-ишлаб чиқариш захираларини вақт бўйича биринчи харид қилиш таннархи бўйича (ФИФО усули)”.

Хўжалик юритувчи субъектларда қўлланиладиган товар-моддий захираларни баҳолаш усули унинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

#### **Адабиётлар шарҳи.**

Маълумки, товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида муҳим салмоққа эга. Товар-моддий захиралардан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишда уларни тўғри таснифлаш, кирим қилиш жараёнида таннархини оқилона шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Товар-моддий захираларнинг моҳияти, уларни таснифлаш ва баҳолаш масалалари билан кўпгина иқтисодчи олимлар шуғулланишган. Иқтисодчи олимлар А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловлар ишлаб чиқариш захиралари хусусида тўхталиб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтган: «Ишлаб чиқариш захиралари хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолиятини нормал давом этишини таъминлайди» .

З.И.Кругляк ва М.В.Калинскаяларнинг фикрича, ишлаб чиқариш захиралари ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий элементи ҳисобланиб, молиявий ҳолат ва иқтисодий салоҳиятни аниқлашда муҳим ўрин тутаяди, чунки улар активлар таркибида катта салмоққа эга .

Ж.Шрайбфедер захираларнинг самарали бошқарилиши истеъмолчилар талабларининг қондирилишига ва соф фойданинг максималлаштирилишига хизмат қилади, деб таъкидлайди .

С.Седки, А.Смит ва А.Стрикландларнинг фикрича, товар-моддий захиралар ҳисоби корхона томонидан амалга оширилган харажатларни тўлиқ ифода этиши ва инвесторлар учун кутилаётган фойда хусусида тўлиқ ахборот беришга хизмат қилиши керак .

Профессор М.А. Вахрушина халқаро амалиётда захиралар деганда оддий иш даври давомида ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида ишлаб

чиқа-риш истеъмоли учун мўлжалланган активлар назарда тутилади, деб таъкидлаган .

И.ф.н. Н Рахмонов товар-моддий захиралар таркибига тўхталиб, улар таркибига қуйидагиларни киритган: товар-моддий захиралар - капитал доиравий айланишининг биринчи босқичидаги моддий активлар, яъни ҳали ишлаб чиқариш жараёнига берилмаган ва ўзларининг натурал-моддий шаклини тўлиқ сақлаб турган ишлаб чиқариш захиралари; асосий подага ўтказиш ёки сотиш мақсадида ўстириляётган ва боқувдаги чорва моллари, ишлаб чиқаришдан олинган тайёр муҳсулотлар; сотиш учун мўлжалланган товарлар; тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва ишлаб чиқаришдаги яроқсиз муҳсулотлардан иборат" .

Масалан, Е.С.Ахрамееванинг ҳисоблашича, «захиралар хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришда, бошқаришда ёки сотишда меҳнат объекти сифатида фойдаланиладиган, ҳар бир ишлаб чиқариш циклида истеъмол қилинадиган ва ўз қийматини ишлаб чиқарилган муҳсулотга тўлиқ ўтказадиган активларни ифодалайди» .

Т.В.Карамзин захираларни «баланс активида акс этириладиган компания айланма фондларининг таркибий қисми, материаллар ва муҳсулот» сифатида кўриб чиқади .

#### **Татқиқот методологияси.**

Мазкур татқиқот ишида Товар-моддий захираларнинг иқтисодий моҳияти, таснифи ва баҳоланиши кенг ёритилган.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Таъкидлаш керакки, товар-моддий захиралар иқтисодий моҳияти ҳақидаги фикрларни умумлаштиришга кўра, аксарият ҳолларда муаллифлар миллий ва халқаро стандартларда тақдим этилган таърифнинг анъанавий ифодасига риоя этганлигини кўрсатди.

Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган моддий активлар бўлиб, уларнинг қиймати тайёр муҳсулотлар қийматига тўлиқ ўтказилади. Улар харажатлар таркибида энг катта улушни эгаллайди ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатади.

Товар-моддий захиралар активлар таркибида муҳим ўрин тутиб. қуйидаги хусусиятларни ўзида мужассам этади:

- товар-моддий захиралар маълум таркибга эга;
- товар-моддий захиралар турли мезонларга мувофиқ таснифланади;
- товар-моддий захиралар ўзига хос баҳолаш хусусиятига эга;
- товар-моддий захиралар маълумотни очиб бериш хусусиятига эга.

Иқтисодиёт субъектларида товар-моддий захиралар фаолиятни самарали йўлга қўйишда муҳим ўрин тутади. Қуйидаги жадвалда тадқиқот объекти ҳисобланган "Дунё-М" АЖ, "Жомбойдонмуҳсулотлари" АЖ, "Жиззахдонмуҳсулотлари" АЖда 2016-2020 йиллар давомида товар-моддий захиралар ва улар таркиби ўзгариши келтирилган.

Захиралар меъёрларига риоя этилиши ва ишлаб чиқаришда моддий ресурслар, бутловчи буюмлар, таркибий қисмлар ва узеллар харажатлари миққдорига эътибор қаратиш лозим. Агар уларнинг хилма-хил таснифини кўриб

чиқсак, товар-моддий захираларнинг иқтисодий характерини янада тўлиқ ўрганган бўламиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар муаяйн даражада товар-моддий захирасига эга бўлиши талаб этилади, бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

-ишлаб чиқариш фаолияти мустақиллигини таъминлаш, масалан, товар-моддий захиралар ёрдамида вақт йўқотишларини қисқартириш;

-иш жойларининг мустақиллигини таъминлаш. Бу маҳсулотларни қайта ишлашдаги кечикишларни қоплаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг юқори изчиллигини таъминлаш учун захирага бўлган эҳтиёж билан тавсифланади;

-маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришини ҳисобга олиш зарурати (тайёр маҳсулотнинг маълум захирасини сақлаш);

-ишлаб чиқариш фаолияти мослашувчанлигини таъминлаш (маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш вақтининг ортиши, ўз навбатида, камроқ харажатлар билан кўпроқ ҳажмдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда нисбатан бир маромдаги ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш имкониятини таъминлайди);

-хом ашё етказиб бериш давридаги тебранишлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

-харид буюртмасининг иқтисодий ҳажми афзалликларидан фойдаланиш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши учун пухта ўйлаб чиқилган захираларни бошқариш сиёсатини таъминлаш лозим бўлиб, у қуйидаги босқичларни кўзда тутати.



1-расм. Товар-моддий захираларни бошқариш сиёсатининг босқичлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш захираларини тадқиқ этишнинг дастлабки босқичида уларнинг маълум бир давр учун динамикаси ўрганилади, жорий активлар ҳажмидаги салмоғи ҳисоблаб чиқилади.

Иккинчи босқичда базавий ва ҳисобот давр кўрсаткичларини таққослаш йўли билан товар-моддий захиралар таркиби ва структураси таҳлил қилинади. Структура таҳлили барча захира турларининг улар умумий қийматидаги салмоғини, шунингдек, уларнинг жорий активлар таркибидаги улушини кўрсатади. Активлар структурасини ўрганишда горизонтал ва вертикал таҳлилдан фойдаланилади.

Учинчи босқичда товар-моддий захиралардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади. Бундай кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киритилади: захираларнинг айланувчанлиги, материал қайтими, материал сифими, корхонанинг захиралар билан таъминланганлик, захиралар рентабеллиги ва ҳ.к.

Товар-моддий захираларнинг асосий қисми саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ишлатилиб, улар аввало, хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, электр энергияси, ёқилғи ва турли хил маҳсулотлардан иборат.

Замонавий бозор шароитида товар-моддий захиралар хўжалик юритувчи субъектлар барқарорлигини таъминлайдиган энг муҳим ресурслардан бири ҳисобланиб, фаолиятнинг якуний натижаси, уларнинг ҳажми ва даражасига бевосита таъсир кўрсатад.

Товар-моддий захираларни бошқаришнинг муҳим қисми саналган омилар таҳлили ишлаб чиқариш захираларининг шаклланиши ва ҳаракатига ташқи ва ички омиларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради.

Ташқи омилар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

– мол етказиб берувчилар таъсири. Бу материаллар етказиб бериш муддатига риоя қилинмаслиги, шартнома шартларининг бузилишини ўз ичига олади;

– харидорлар таъсири, бу талаб ҳажмининг ўзгаришида ўз ифодасини топади.

Ички омилар қаторига ташкилотдаги ишлаб чиқариш-хўжалик муҳитининг таъсирини тавсифлайдиган омилар киради. Ушбу омилар гуруҳи кадрлар кўнимсизлиги ва касбий тайёргарлиги, моддий ресурсларга эҳтиёжни нотўғри режалаштириш, товарларни сақлаш учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва ҳ.к. киради.

Якуний босқичда товар-моддий захиралар даражасини назорат қилиш самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Товар-моддий захираларни шакллантириш муаммоларини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўплаб корхоналар захираларни режалаштириш ва назорат қилишнинг мавжуд усулларини қўлламайдилар, шунингдек, захираларни бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларидан ҳар доим ҳам фойдаланмайдилар. Бу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган давр учун захиралар айланмалари сонини, корхонанинг захиралар билан таъминланганлигини тавсифлайди, бундан ташқари, кўрсаткичлар айланма маблағларнинг ортиқчалигини аниқлаши мумкин. Захиралар миқдорини таҳлил қилиш захиралар ва ўз айланма маблағлари мавжудлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

### Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилиб, хулоса қилган ҳолда, Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ етиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Товар-моддий захираларни таснифлаш тартиби нафақат Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон буйруғи, балки “Товар-моддий захиралар” номли 4-сон БҲМС ва “Захиралар” номли 2-сон БҲХС билан ҳам тартибга солинади.

Миллий ва халқаро стандартлар асосида товар-моддий захираларни таснифлаш тартиби 1-расмда келтирилган.

яъни МҲХС таснифида хом ашё ва материаллар алоҳида тоифага бўлинмайди, лекин бажарилаётган ишлар материаллар таркибига киради, республикамиз бухгалтерия амалиётида эса хом ашё, материаллар алоҳида тоифаларга бўлинади.

Товар-моддий захираларни тўғри таснифлаш хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия тизимида ишончли маълумотлар шаклланишига ёрдам беради ва маълумотларининг самарадорлиги ҳамда тезкорлигини оширишга хизмат қилади.

Товар-моддий захиралар корхона мулкининг сезиларли қисмини ташкил қилади, моддий ресурслар харажатлари эса айрим тармоқларда маҳсулот таннархининг 80%ига етади ва ундан ортади. Айнан шу сабабли товар-моддий захираларнинг ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш фаолият рентабеллиги ва молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади..

### Адабиётлар /Литература/Reference:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 28 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом”. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий

этиш тўғрисида” ги 207-сонли қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” номли 1-сон БҲХС. [www.iasplus.com](http://www.iasplus.com)

7. “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” номли 2-сон БҲМС. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Аббасов Г.А. Бухгалтерский учет финансовых результатов// Финансы и учет. — 1999. — № 5—6. — С. 3—12.

9. Авлоқудов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. 84-бет

10. Alarcon S., Sanchez M. Business strategies, profitability and efficiency of production. // Spanish Journal of Agricultural Research 2013 11(1), 19-31. ISSN: 1695-971-X

11. Алиқудов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 188 б.;

12. Ахмедов Х.Д. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент. 2007.-22 б.;

13. Ahmad Dahiyat. Does Liquidity and Solvency Affect Banks Profitability? Evidence from Listed Banks in Jordan. // International Journal of Academic Research in Accounting, Finance and Management Sciences. E-ISSN: 2225-8329, P-ISSN: 2308-0337. Vol. 6, No.1, January 2016, pp. 35–40

14. Geoffrey T. F. Brooke. Uncertainty, profit and entrepreneurial action: Frank Knight’s contribution reconsidered. // Journal of the History of Economic Thought , Volume 32 , Issue 2 , June 2010 , pp. 221 - 235

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

